

Ўзбекистон Давлат Консерваторияси

“Муסיкий шарқшунослик” кафедраси

Халқ муסיқаси ижоди фанидан

*Курс иши.*

**Мавзу: Қозок  
жировчилик санъати  
достончилиги**

Бажарди: “Анъанавий чолғу ижрочилиги”

таълим йўналиши 2-курс талабаси

Махмудов Жамшид

Қабул қилди: С.Ф.Н.доцент Ш.И.Ойхўжаева

Тошкент 2016

# Режа.

Кириш

Асосий қисм

1. Қозоқ достончилиқ  
санъати.

2. Қозоқ достончилигида  
жировчилиқ.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар.

## Кириш

Ҳар бир халқ ўзининг миллий муסיқий меросини севса, аجدодлар анъанасини ардоқласа, уни муносиб тарзда ўзлаштира ва қадрига етса, ўзга халқлар санъатини ҳам баҳолай олади. Зеро, бизгача етиб келган муסיқий анъаналар авлодлар занжирининг мустаҳкамлигидан далолатдир. Бу борада халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган миллий этнографик фольклёр санъатига мансуб дostonчилик тури бўлмиш жировчилик ҳозиргача ўзининг бадиий ва эстетик имкониятларини юқори даражада сақлаб келаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Уларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва келажак авлодларга етказиш замонамизнинг талаб ва эҳтиёжиди бўлган долзарб масалалардан биридир. Бу жанр нафақат бизнинг юртимизда, балки жон қардош “қўшнимиз” Қозоқ халқида ҳам анчайин ривожланган. Ҳозирги кунга келиб, бу санъат тури йўқолиб кетмаслиги мақсадида Юртимизда қўшни давлатлар ҳамкорлигида турли конкурс ва танловлар ўтказилиб келинмоқда. Шунинг ҳам айтиш керакки, халқ муסיқа ижодиётининг алоҳида гуруҳи сифатида тасниф этилган “муайян вазият ва тадбиру — маросим билан шартланган айтим — куйлар”нинг ҳозирги кундаги ҳаёти бирдек кечмаяпти. Табииники, айрим маросим, урф-одат ва меҳнат турларининг ижтимоий моҳияти ўз кучини йўқотиб бориши натижасида улар билан боғлиқ айтим ёки куйларнинг ҳам дастлабки вазифаси ўзгариб, эндиликда “номаросим” халқ муסיқаси гуруҳига тааллули бўлиб қолмоқда, баъзи намуналар эса буткул унутилиш даражасига етган. Юзага келган бу вазиятда барча туркий халқларда бир қатор чора ва тадбирлар (шу жумладан, фольклор-этнографик ансамбллариининг тузилиши ва фаолиятига катта эътибор берилганлиги, кўплаб кўрик-танловларнинг ўтказилиши, муסיқий фольклор намуналарининг турли даражадаги таълим-тарбия жараёнларига жалб этилиши) амалга оширилмоқда.

Эътироф этиш керакки, бизнинг давримизга қадар етиб келган муסיкий фольклор намуналари кўпроқ вилоятларнинг қишлоқ туманларида ўзининг табиий ҳаётини давом эттириб келаётган бўлсада, бироқ шаҳар муҳити, турли ижтимоий гуруҳларнинг маънавий талаб-эҳтиёжлари таъсирида хилма-хил тус олмоқда.



## Асосий қисм

### 1. Қозоқ достончилиқ санъати.

Достон атамаси кенг қамравлидир, муайян мазмунли тизимга эга назм ва насрдан ташкил топган катта ҳажмли асар, қаҳрамонлар силсиласи, воқеалар ҳалқаси узвийлиги ва ўзаро ҳамоҳанг боғланиши билан диққатлидир. Достон — лиро-эпик жанр, оғзаки ва ёзма адабиётидаги катта ҳажмга эга бўлган эпик асар. «Достон» сўзи қисса, ҳикоя, саргузашт, таъриф ва мақтов маъноларида ишлатилади. Адабий термин сифатида бу атама халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётидаги йирик ҳажмли эпик асарларни англатади. Бироқ ёзма ва оғзаки адабиётдаги достонлар ҳаётни тасвирлаш воситалари ва усуллари жиҳатидан бир-бирларидан жиддий фарқ қилади. Достонлар профессионал ижрочи – бахши(қ.Бахши)лар томонидан куйланиб келинатаётган оғзаки ижод намунаси. Достон ижрочиси – бахшини туркий халқларда турли номлар билан: бахши, шоир, юзбоши, жиров, соқи,оқин ва ҳақозо номлар билан аташади.

Қозоқ оила ва аймақларининг тарихан қарор топган турмуш тарзи, яъни асосан, ярим кўчманчи чорвачилиқ ва кўчманчилик, қозоқ халқи дуёқараш ва эътиқодлари акс этган шомонлик, тангричилик ва бошқалар асосида ривож топган. Анъанавий мусиқа амалиётида қозоқ бақси, яъни шомон-бахши, темеши, оленши, жиров, оқин, куйчилар анча халқ ўртасида шуҳрат топди. XVIII асрдан салсерэ (Сайёр ижодий гуруҳлари ташкил этган профессионал созанда, хонанда) ларнинг ижоди алоҳида ўрин тутади. Ҳар бир бақсининг ўзи ижод этган шахсий сарин (куй) лари илоҳий ҳисобланган, одамлар руҳига афсун-жоду, фол очиш, табобат ва бошқалар маросимлар жараёнида катта таъсир ўтказган. Халқ кўшиқлари мавсум ва диний, оилавий маросим кўшиқлари (“жар-жар”, “синсу”, “бет ошар”, “танису”, “қоштасув”, “жоқтау” ва бошқаларлар), инсон ҳаёти туркумига

оид “бесик жири”, “тусау кесу”, “жубату” “жиирма бес” ва бошқаларлар, терма, ўлан, жирлардан иборат.

Бу санъат тури ўта мураккаб тизимга эга, бўлиб ,буни ёш авлодларга етказиш учун халқ фольклёр санъати билан тўлиқ таништириб бориш лозим.

## 2. Қозок достончилигида жировчилик.



Жировчилик энг мураккаб ва таъсирчан санъат тури, — Жиров овозни қўбиз навосига солиб, ингичка, аммо аччиқ, қайғули тарзда қўшиқ ижро этади. Бу қиссахонларнинг достон айтишига ўхшаб кетади. Ундан фарқли ўлароқ, жировлар товуш, овозни бир маромда ушлайди. Бундай қобилият камдан-кам кишига насиб этади.

“Бахши” сўзи форсча “бағишламоқ” сўздан келиб чиқиб, бағишлов деган маънони билдиради. Чунки, бахши вазиятга қараб ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда термалар тўқийди. Ушбу сўз ўзбек ва туркманларда бахши, қорақалпоқларда жиров, қозок ва қирғизларда оқин, озарбайжон билан эронда ошиқ деб юритилади. Бахши, албатта қўлида соз билан ижро этади. Сурхондарё, Қашқадарё ва Помирда яшовчи тожиклар, қозок ҳамда қирғизлар шу билан бирга Олтой томонлардаги халқлар ҳам дўмбира ёрдамида терма айтадилар. Озарбайжон ва Эрон эса, соз билан куйлайдилар. Туркман бахшилари ўз санъатларини дуторда намойиш этадилар. Қорақалпоқистонда иккита оқим мавжуд бўлиб, биринчиси жировлар деб аталади. У ёпиқ овозда қўбиз куйланади. Иккинчи оқим

овозда дутор, ғижжак ва буламон жўрлигида ижро этилади . Иккинчи оқим очик овозда дутор,ғижжак ва буламон жўрлигида ижро қилади.

Қозоқ оила ва аймақларининг тарихан қарор топган турмуш тарзи, яъни асосан, ярим кўчманчи чорвачилик ва кўчманчилик, қозоқ халқи дуёқараш ва эътиқодлари акс этган шомонлик, тангричилик ва бошқалар асосида ривож топган. Анъанавий мусиқа амалиётида қозоқ бақси, яъни , темеши, оленши, жиров, оқин, куйчилар анча халқ ўртасида шухрат топди.

Халқ достонларининг тематик ҳамда жанр хусусиятлари унинг ўзига хос услуби ва формасини белгилайди, яъни куй ва ижро билан маҳкам боғлиқ бўлган йирик ҳажмли ва кенг кўламли достонларнинг поэтик баёнига кўтаринкилик, тантанаворлик, анъанавийлик, шеърий ва прозаик қисмларнинг давомий алмашилиб келиши хосдир. Достонлар кенг қамровлиги ва ҳажмининг катталиги, кўтариб чиққан ижтимоий, сиёсий, ахлоқий муаммолари, сюжетининг сертармоқлиги ва драматизмининг ўткирлиги, персонажларининг кўплиги билан ажралади. Бундай асарлар марказида жамият ва халқ тақдири туради, жамият, халқ ва қаҳрамон яхлит, бир бутунликда тасвирланади, улар ўртасида зиддият бўлмайди, балки шу халқ, шу қаҳрамон билан ташқи душманлар ўртасидаги кураш, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги зиддият тасвирланади. Уларда ватанпарварлик, қаҳрамонлик, инсонпарварлик, меҳр-мухаббат, дўстлик ва садоқат, меҳнатсеварлик ғоялари илгари сурилади.

Жировчилик йўналишида ҳамма ҳам куйлай олмайди бунинг учун туғма истеъдод бўлиши лозим. Узоқ вақт овозни бир хил темпда ушлаб туриш жуда мураккаб. Кўплаб машқлар натижасидагина бунга эришиш мумкин.



## Хулоса

Туркий халқларда достон айтувчиларни қадимдан ўзан, оқин, жиров, ошиқ, бахши, гўянда, шоир, соқий, юзбоши ва бошқа номлар билан таъриф-тавсифлаб келишади. Бахши шоирлар ўзларининг сўзга чечанлиги, тафаккурининг кенглиги, анъана ва удумларни мукаммал билганлиги боис элда ниҳоят катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган. Достончилик анъаналари ва халқ оғзаки ижоди шк халқнинг тарихи билан узвийлиги туфайли ҳам бахши шоирлар ўз даврининг донишманд мураббийлари ва асл муаллимлари даражасига кўтарилган. Қозоқ элида достон ижрочилиги ўз хусусияти жиҳатидан икки турга бўлинади: 1. Ички овоз билан шеърий шаклда кўбиз ёки дўмбира жўрлигида ижро этиш услуби. 2. Очiq овоз билан шеърий шаклда кўбиз ёки дўмбира жўрлигида ижро этиш услуби. Асосий матнни ҳикоя ва шеърий матнни қўшиқ шаклида очiq овозда, кўпинча дутор ва тор жўрлигида ижро этиш услуби. Қозоқ анъанавий достончилигининг ривожланиб боришида бахшичилик мактаблари ҳам

алоҳида ўрин тутди. Чунки ҳар бир дostonчи ёки дostonчилик гуруҳининг ўзига хос услуби ва йўналиши мавжуд бўлиб, бу ҳолат уни бошқа дostonчилардан тубдан ажратиб туради. Қозoқ халқ дostonлари қаҳрамонлик, ишқий-маиший, жангнома, саргузашт каби жанрларга бўлиниб, ижро этилган.

Хулоса килиб айтганда, ҳозирда халқ мусикаси намуналарини тарғиб этишда фольклор-этнографик ансамблларининг хиссаси катта бўлмокда.

## Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз, ғуруримиз // Халқ сўзи. 1996 йил. 26 октябрь.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
3. Абдуллаев В. Сайланма: Адабий-танқидий мақолалар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 440 б.
4. Абдуллаев Р. Обрядовая музыка Центральной Азии. – Тошкен: Фан, 1994. – 136 с.
5. Abdurahmonov Abdurashid. Turkiy adabiyotning qadimgi davri. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005. – 378 b.
6. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. –Тошкент: 1974.
7. Алимухамедов А. Антик адабиёт тарихи. Иккинчи наشري. –Тошкент: Ўқитувчи, 1975. –416 б.